# ДАВЛАТ ТИЛИ ВА ҲУҚУҚИЙ АТАМАШУНОСЛИК

СЎНГГИ ОЙЛАРДА Давлат тили тўғрисидаги Қонунни амалга оширишда сусткашлик ва лоқайдликка йўл қўйилаётганлиги, изчиллик ва жонкуярлик етишмаётганлиги тўғрисида ташвиш билан гапира бошладик. Бу бежиз эмас. Қонун қабул қилингандан буён ўтган салкам икки йил мобайнида анчагина ишлар қилинган бўлса-да, ҳали нақд натижаларини бергани йўқ. Ўзбек тилини ўқитиш, ўрганиш, ўзлаштириш ҳамда давлат тилида маърузалар қилиш, корхона, муассаса ва идораларда иш юритиш, мажлис ва кенгашлар ўтказиш масаласида тайинли силжиш кўринмаяпти. Айрим ташкилотларда тил ўрганиладиган курслар, тўгараклар тарқатиб юборилган ёки номигагина ташкил қилинган. Баъзи жойларда бу курслар пуллик қилиб қўйилгани натижасида тил ўрганувчилар сони кескин камайиб кетган. Бир жиҳатдан бу ишда кимни айблашни ҳам билмаймиз. Ахир, кўплаб меҳнат жамоаларининг раҳбарлари маҳаллий миллат кишилари-ку? Нега улар давлат тилини ўрганиш учун курс ва тўгараклар очишда беғамлик қилмоқдалар? Бунинг устига ана шу раҳбарлар ўз жамоаларида иш юргизишни ўзбек тилига кўчирганлари йўқ, маърузa, тавсиянома ва бошқа ҳужжатларни рус тилида тузиб, мажлис, кенгаш ва бошқа йиғилиш-анжуманларни ҳам шу тилда ўтказмоқдалар. Гўё ўзбек тилини ўрганишга ҳаётий эҳтиёж йўқдай.

Ҳозир ҳам фалсафа ва ҳуқуқ илмгоҳига юборилаётган Ўзбекистон Олий Шўроси муҳокамасига қўйиладиган қатор қонун лойиҳалари, жумҳурият Олий Суди ва Адлия вазирликларидан келаётган ҳужжатлар фақат рус тилида. Ваҳоланки, бу идоралар қонунларни ижро этишда ўрнак кўрсатишлари лозим. Фанлар академиясига қарашли илмгоҳлар зиммасига, шу жумладан, бизга ҳам ўзбек тилида чиқариладиган илмий ишлар сонини кўпайтириш вазифаси юклатилган. Лекин бунинг учун ҳануз тегишли тайёргарлик ишлари олиб борилмаётир.

Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларида ишлаётган бошқа миллат вакилларининг аксарияти лоақал иш юритиш доирасида ҳам ўзбек тилини билмайди. Боз устига, ўз миллатдошларимиз бўлмиш айрим мутахассислар ҳамон эскича йўл тутиб, Давлат тили тўғрисидаги қонунни менсимаётирлар.

Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли илмий муассасадан сафарга борган бир ходим вилоят шифохоналарида бўлиб, ходимлар билан фақат рус тилида гаплашади. Мажлисда ҳам русча сўзлайди. Рус забонли ходимлар уни тўхтатиб, нега ўзбекча гапирмайсиз, дейишса, биз Тошкентда доим шу тилда гапиришга ўрганиб қолганмиз, чунки ўзбекчани кўплар тушунмаслиги мумкин, дейди. Ана сизга ўз она тилимизга, қонунга ҳурмат!

Ҳолбуки, ҳар бир миллий тилни мукаммал билиш замондошларимизнинг юксак маданиятли, саводли, зукко зиёли эканлигини кўрсатувчи мезондир. Соф ўзбек тилида ёки соф рус тилида, уни бузмасдан, бирини бирига аралаштирмасдан гапириш, ёзиш, сўзлаш кишига обрў-эътибор келтиради, қувонч бахш этади. Расмий ҳужжатлар, дастурлар ва қонунлар давлат тилида, гўзал адабий тилда ёзилса, нур устига нур бўлади.

ДАВЛАТ ТИЛИ тўғрисидаги Қонун ўзбек ҳуқуқий атамашунослиги тараққиёти учун ҳам янги имкониятлар ва шарт-шароитларни вужудга келтирди. Ҳуқуқий давлат барпо этиш сари қадам қўйилаётган бир даврда қонун ижодкорлигининг кенг ривожланаётганлиги ишлаб чиқилаётган ва қабул қилинаётган қонунлар ва бошқа ҳужжатлар тилига юқори талаблар қўймоқда. Чунки кўп йиллар мобайнида жумҳуриятимизда қабул қилинган қонунлар асосан Иттифоқ ёки Россия Федерацияси қонунлари асосида, баъзан эса уларнинг номигина «Ўзбекистон» деб ўзгартириб қабул қилинган нусхаси эди. Бундан ташқари, барча қонунлар фақат рус тилида ёзилиб, сўнг ўзбек тилига ўгирилар, устига устак таржима ҳам ўта руслаштирилган бўларди. Хўш, эндиликда бу камчиликлар бартараф этилдими? Афсуски, «Ҳа» дейишга ҳали эрта. Бу соҳадаги муаммоларнинг негизи умуман ўзбек тили атамашунослиги масалаларининг илмий нуқтаи назардан атрофлича ишланмаганлигига бориб тақалади. Аввало, ўзбек тили луғат фонди тартибга солинмаган. Фан, техника, маданият, соғлиқни сақлаш ва халқ хўжалиги соҳаларига оид атамалар мукаммал ишлаб чиқилмаган, борлари ҳам такомиллаштирилмаган. Мавжуд луғатлардаги кўпгина атамалар русча ва бошқа тиллардан олинган бўлиб, ўзбек тилига ўгирилмаган. Ўзбекча атамаларни топиш мумкин ва зарур бўлган кўп ҳолларда русча атамалар олинган ёки улар биринчи ўринга қўйилиб, кейин ўзбекчаси берилган.

Давлат тилида атамалар ишлаб чиқишнинг катта аҳамияти ҳисобга олиниб, жумҳурият Атамашунослик қўмитаси таъсис этилгани жуда ўринли бўлди, албатта. Қўмита ўтган давр ичида анчагина ишларни амалга оширди. Фан ва техника ҳамда ижтимоий-сиёсий соҳалар бўйича вазирликлар, илмий муассасаларда, меҳнат жамоаларида қўмита бўлимлари тузилди. Кўплаб соҳаларга доир зарур атамалар ишлаб чиқилиб, қўмитанинг тавсиясига кўра, матбуотда, радио, телевидение ва расмий ҳужжатларда ишлатила бошланди. Аммо рўзнома ва ойномаларда айрим сўз, ибора ва атамаларни ишлатишда ҳар хиллик ҳаддан ташқари кўпайиб кетаяпти. Бу демак, қўмита турли соҳа атамалари бўйича муайян тавсияларни тезроқ нашр этмоғи керак. Бунда кундалик матбуотда қўлланиладиган атамалар ва маъмурий-бошқарув номларини бир хилда ёзиш, ўзбек тили қоидаларига тўғри келмайдиган сунъий атамаларни ишлатишга чек қўйиш, янги атамалар қўлланганда у истеъмолга кириб кетгунга қадар муодилини қавс ичида бериб бориш мақсадга мувофиқдир. Атамашунослик қўмитаси худди шундай тавсия берган эди. Лекин биз Атамақўмни терминком деб аташ тўғрисидаги фикрга мутлақо қўшила олмаймиз. Атамани термин дейишимиз жуда ноқулай ва халққа тушунарли бўлмайди.

Масаланинг мураккаблиги шундан ҳам кўринадики, қўмита муқобил (эквивалент, синоним) деб ишлатадиган сўзни адабиётшунос олим Алибек Рустамов муодил деб талқин қилади. Манбаларга асослансак, олим бу ўринда ҳақ бўлиб чиқади. Ёки бошқа бир мисол: қонуншуносликда «законодательство» деган сўз икки хил маънода — «қонунлар» ва «қонун чиқарувчилик» маъносида ишлатилади. Бошқалар-ку, майли, ҳуқуқшуносларимиз ҳам бу сўзни баъзан «қонунчилик» сўзи билан адаштириб юборадилар. Буни кейинги йилларда чиқарилган «Меҳнат қонунчилиги», «Оила ва никоҳ қонунчилиги» рисолалари мисолида ҳам кўриш мумкин. Ваҳоланки, қонунчиликнинг русча таржимаси «законность» бўлади. Юқорида тилга олинган рисолалар муаллифлари эса меҳнат, оила ва никоҳ тўғрисидаги қонунлар ҳақида гап юритадилар. Бундай англашилмовчилик ва чалкашликларга яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Бинобарин, ҳуқуқий-маъмурий атамаларни тартибга солиш, ўзбек тилида янги атамалар ишлаб чиқиш ҳозирги пайтда энг долзарб муаммолардандир. Ҳаёт ҳуқуқий атамаларни зудлик билан такомиллаштиришни, луғат тайёрлаб, уни зудлик билан нашр қилишни ҳамда кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этишни тақозо қилмоқда. Ўзбекистон давлати жумҳуриятимизнинг асосий қонуни — Конституция тузишга киришган ҳозирги кунда бу жуда зарур ишдир.

Конституция давлатнинг Асосий қонуни бўлгани туфайли, у асосий ҳуқуқий атамалар манбаи ҳисобланади, ўзида жуда кўп ҳуқуқий ва маъмурий атамаларни мужассамлаштиради. Конституция тили аниқлиги, оммага тушунарли ва бир хиллиги билан ҳуқуқий тилнинг намунаси бўлмоғи керак. Конституция олий қонун эканлиги принципига амал қилиб, барча қонунларда турли атамаларни ишлатишда ана шу Конституция матнида ишлатилган атамалардан фойдаланиш, уларни тил ва атамалар намунаси деб қабул қилиш лозим. Мабодо, турли тушунча ва атамаларда хилма-хиллик, тафовутлар учраса, Асосий қонунда ишлатилганлари биринчи ўринга қўйилади, яъни Конституцияда белгиланган атама ва тушунчалар ишлатилади.

Умуман, жумҳуриятимиз Конституцияси ишлаб чиқилиб, қабул қилингандан сўнг, барча ҳуқуқий атамалар ана шу Асосий қонунга мосланиши, ундаги атамалар бошқа қонунлар тили учун асос қилиб олиниши зарур бўлади. Аниқроғи, Конституцияда қўлланилган ҳуқуқий-маъмурий атамалар ўз-ўзидан қонуний тус олади. Шундан сўнг чиқариладиган қонунларда ҳам Конституция тили ва атамалари айнан қўлланилмоғи зарурдир.

БУГУНГИ КУНДА жумҳуриятимиз матбуотида атамалар турлича—бир жойда жумҳурият, ноҳия, халқ ноиби, мажлис баёни (қайднома), қурултой, раёсат, мухторият деб олинса, иккинчи жойда республика, район, туман, депутат, протокол, съезд, президиум, автономия деб ёзилмоқда. Шунга кўра, биз турмуш ва ҳуқуқий атамалар устида олиб борилаётган ишлар тажрибасига суяниб ҳамда атамашунослик қўмитаси ишлаб чиққан дастурга амал қилиб, қуйидаги мулоҳазаларимизни баён қилмоқчимиз:

Атамаларни қўллашда тезроқ бир тўхтамга келиш учун аввало байналмилал сўзлар, илмга, техникага, тиббиётга, ҳуқуқшуносликка оид азалдан таниш ва тилимизга сингиб кетган атамаларни ўзгаришсиз қабул қилмоқ лозим. Масалан, суд экспертизаси, криминология, криминалистика, дактилоскопия, нотариус, нотариат, арбитраж, адвокат ва ҳоказолар.

— Халқ тилига чуқур ўрнашиб қолган русча суд, прокурор, присяжний ва шу каби бошқа сўзларни «қози», «давлат муддаийси», «қасамхўр» сўзлари билан алмаштирмасдан русчасини қабул қилиш маъқулроқдир.

— 1959—60 йиллари профессор Ф. Бакиров томонидан жиноят процессуал қонунларига киритилган «кўрсатув» (показание), «суриштирув» (дознание), «бошқарув мажлиси» (распорядительное заседание) каби атамалар шунча йиллар ўтса-да, амалиётга кирмади. Масалан, «кўрсатув» деган сўзни юздан бир терговчи ёки судья ишлатади. Кўпчилик уни бузиб, «кўргазма» (виставка) ёки «кўрсатма» (указание) деб ишлатади. Шунинг учун аввалги тажрибага қайтиб, бу сўзни «гувоҳлик», «сўроқ», яъни гувоҳнинг берган гувоҳлиги, айбдор ёки гумон қилинаётган шахснинг берган сўроғи деб ишлатиш дуруст бўлса керак.

«Суриштирув» сўзи ва «бошқарув мажлиси» масаласида амалий ишдаги ходимларнинг фикрларини ҳисобга олиб, «дознание»ми ёки «тергаб-текшириш»ми, шунингдек, «фармойиш мажлиси», деб юритилса, тушунарлироқ бўлар эди. Негаки, бундай мажлисда суд ҳеч қандай ишни бошқармайди, балки ишни мазмунан кўриб чиқишга тайёргарлик тадбирларини муҳокама қилади ва уни кўриш ёки терговга қайтариш, унга гувоҳлардан кимларни чақириш, қайси кунга тайинлаш, прокурор, адвокат қатнашиши каби масалаларни ҳал қилади, шулар ҳақида фармойиш беради. Булар ҳақида шу фармойиш мажлисининг қайдномасига ёзилади.

## ТИЛ ВА ТАРАҚҚИЁТ

Самарқанд давлат дорулфунуни ҳуқуқшунослик факультетининг декани З. Муқимов «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»нинг 1991 йил 24 май сонида эълон қилинган «Ҳуқуқий атамалар зарур» деган мақоласида анча ўринли фикрларни ўртага ташлади. Масалан, матбуотда эътиборсиз ишлатилаётган ҳар хил атама ва иборалар: «ўтириб чиққач», «қамалиб чиққач», «ҳуқуқ ҳайъати» каби сўзлар ўрнига ҳуқуқий тил нуқтаи назаридан тўғри сўзларни ишлатиб, «жазони ўтаб чиққач», «озодликда маҳрум қилиш жазосини ўтагач», «суд ҳайъати» деган сўзларни ишлатишни таклиф қилди. Фан ва амалиёт ходимлари бу каби бошқа атамалар, сўзлар тўғрисидаги ўз фикрларини матбуот саҳифаларида айтсалар ёки Фанлар академиясининг фалсафа ва ҳуқуқ илмгоҳига ёзиб юборсалар, амалий ишимизга катта ёрдам берган бўлардилар.

Ҳуқуқшуносликка бевосита таaллуқли баъзи атамаларнинг ҳозиргача ноаниқ, мавҳум кўринишлари ишлатилиб келинганлиги кишини таажжублантиради. Масалан, «жиноят кодекси», «гумондор» деган атамаларни олайлик. Улар аслида жиноят ва жазо ҳақидаги қонунлар мажмуи, жиноятчи деб гумон қилинувчи шахс тарзида қўлланиши лозим. Афсуски, туб маъносига қарамасдан пала-партиш ишлатилаётган сўзлар, иборалар ва атамалар кўплаб учрайди. Ҳуқуқшуносликда эса бундай ҳолларга йўл қўйиш анча хатарлидир. Чунки бу соҳа ҳар қадамда инсон манфаатларини муҳофаза қилади. Шунинг учун Атамақўм қошидаги ҳуқуқий атамашунослик бўлими жумҳуриятимиздаги барча қонун ижодкорлик идоралари учун амалий ёрдам кўрсатиш марказига айланмоғи даркор. У қонун ва ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқишда, ҳуқуқий атамаларни қўллаш ва талқин этиш масалаларида тегишли маслаҳатлар бериб туриши керак. Бу ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрловчи ходимлар тайёрлаш муаммосини келтириб чиқаради. Мақсадга эришиш учун Тошкент ҳуқуқшунослик билимгоҳида «Ўзбек ҳуқуқий тили ва атамашунослик» бўйича алоҳида сабоқлар бериб борилса, айни муддао бўларди.

ДАВЛАТ ТИЛИ тўғрисидаги қонунни амалга ошириш учун барча давлат идоралари, мансабдор шахслар, жамоат ташкилотлари, тилшунос олимлар, амалиёт ходимлари, ўқув юртлари, матбуот, телевидение, радио ходимлари, педагоглар, таржимонлар ҳормай-толмай самарали иш олиб боришлари керак бўлади. Яқинда ташкил топган ўзбек тили жамиятидан умидимиз катта. Ўйлаймизки, ўзбек тилини такомиллаштириш, фан ва техника соҳасидаги атамаларни тартибга солишда бу жамият катта хизмат қилади. Ҳуқуқий-маъмурий атамаларга келсак, Ўзбекистон Фанлар академиясининг фалсафа ва ҳуқуқ илмгоҳи Тошкент ҳуқуқшунослик билимгоҳи билан ҳамкорликда алоҳида луғат тайёрламоқда. Уни Ўзбекистон Совет энциклопедияси бош таҳририяти ёрдамида шу йил нашр этиш мўлжалланмоқда.

**Ғулом АҲМЕДОВ,**
**Ўзбекистон ФА Фалсафа ва ҳуқуқ илмгоҳининг етакчи илмий ходими, ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор**

**Акмал САИДОВ,**
**шу илмгоҳ директори, ҳуқуқшунослик фанлари доктори**

# КУЛФАТГА ҚАРШИ БИРГАМИЗ

### «СЎНГГИ ҚИЙНАЛГАН ЁМОНДИР» МАҚОЛАСИНИ ЎҚИБ

НАВОИЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ комбинати раҳбарияти «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталигининг шу йилги 19 июль сонида эълон қилинган «Сўнгги қийналган ёмондир» мақоласи муаллифи А. Жўраевнинг ҳақли ташвишларига қўшилади.

Мақолада Навоий регионида шу ҳудудда жойлашган саноат корхоналарининг фаолияти оқибатида ҳаддан ташқари ноқулай экологик вазият вужудга келганлиги ҳақида фикр юритилади. Муаллифнинг корхоналарнинг табиатга салбий таъсирини камайтириш юзасидан шошилинч чоралар кўриш лозимлиги тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларига қўшилмаслик мумкин эмас. Бу борада комбинат сўнгги йилларда катта ишларни амалга оширмоқда.

Мақолада, чунончи, Навоий регионида худди Чернобиль атом электр станциясида рўй берган ҳалокат оқибатидаги янглиғ ачинарли вазият вужудга келган, деб таъкидланади. Биз бутун масъулиятни ўз зиммамизга олиб баён қиламизки, Навоий регионида иккинчи Чернобиль йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас, чунки заводда табиий уран маъданини технологик жиҳатдан қайта ишлаш жараёнида Чернобилдаги сингари сунъий учар радиоизотоплар ва бошқа кимёвий элементлар ҳосил бўлмайди. Қайта ишлаш жараёнида ҳосил бўладиган радиоактив чиқиндилар эса (уларнинг радиация даражаси жуда суст) фақат хизмат кўрсатувчи ходимларнинггина кириши рухсат этиладиган қуйи омборхонага жойлаштирилади.

Комбинат, Давлат санитария назорати, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари ва мамлакат илмий-тадқиқот ташкилотларининг радиация ҳолатини текшириш бўйича ўтказган кўплаб тадқиқотлари якунлари заводнинг санитария-муҳофаза ҳудудлари юзасида, шаҳар ва қишлоқ қўрғонларининг турар-жой даҳаларида гамма-фаоллик 15—20 мкр/соатни ташкил этмоқда, деган хулосага келиш имконини беради. Радиациянинг бундай даражаси табиий ҳолат ҳисобланади ва у аҳоли саломатлигига путур етказиши мумкин эмас.

Ичимлик сувларда ва қуйи омборхона ён-атрофидаги жойлар ерости сувларида ҳам радионуклидларнинг тўпланиши йўл қўйилиши мумкин бўлган миқдор даражасидан кўп эмас. Буни қуйи омборхона таъсир этиши эҳтимоли бўлган майдонда лойиҳага мувофиқ бурғуланган назорат қудуқларидан олинган сувларни кўп йиллар давомида тадқиқот қилиш натижалари ҳам тасдиқлайди.

Қуйи омборхонага бевосита яқин жойдаги завод ёрдамчи қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари таркибида ҳам радионуклидлар меъёрдагидан ортиқ эмас. Етиштирилган сабзавотларда радионуклидлар бор-йўқлиги завод лабораториясида текширилади ва шундан сўнггина сотувга чиқарилади.

ШУНДАЙ ҚИЛИБ, уран маъданини қайта ишлаш жараёнида атроф-муҳит радионуклидлар билан ифлослантирилмайди (ишлаб чиқариш майдончалари ва қуйи омборхона бундан мустасно), аҳоли саломатлиги учун хавф туғилмайди ва бундай бўлмайди ҳам. 1-гидрометаллургия заводи меҳнаткашларидан ҳеч ким корхонанинг кўпйиллик фаолияти давомида (завод 1964 йилдан буён ишлаб турибди) радиация билан алоқадор касб касаллигига дучор бўлмагани фикримизнинг исботидир.

Хуллас, заводга туташ майдонда мўътадил радиация вазияти сақланмоқда. Бироқ шу атрофда жойлашган қишлоқ меҳнаткашлари илгари ишлаб чиқаришда асқотган ҳамда радионуклид моддалари билан ифлосланган эски нарсаларни, масалан, қувурларни, занглaмайдиган пўлат тўрлар ва бошқаларни олиб, ҳовли ва уйларида улардан ўз эҳтиёжлари йўлида фойдаланмоқдалар. Мақолада бу ҳақда рўй-рост ва одилона ёзилган.

**«ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР**

Кон-металлургия комбинати, туман санитария-эпидемиология станцияси, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси қишлоқ Шўролари вакиллари билан ҳамкорликда 1990 йилнинг ноябридан то ҳозирга қадар корхона яқинида жойлашган қишлоқлардаги барча хонадонларни текширишдан ўтказдилар. Ана шу жараёнларда радионуклидлари радиоактив меъёрга нисбатан ошиқроқ бўлган нарсалар аниқланди ҳамда мусодара қилиниб, кўмиш жойига қайтарилди. Шундан сўнг табиий ҳолат тикланди.

Биз бу ўринда иккала томоннинг ҳам айби бор деб ҳисоблаймиз. Завод ходимлари ўз ишлаб чиқариш чиқиндиларини мустаҳкам сақлашни таъминламаганликлари учун, қишлоқ-қўрғонлар аҳолиси эса радионуклидлар билан заҳарланган айрим темир-терсаклардан оқибатини ўйламай фойдаланганликлари учун айбдордирлар. Келгусида бундай ҳолларнинг олдини олиш мақсадида қуйи омборхонага қўшимча соқчилар қўйилди, яроқсиз чиқиндиларни ўғирлаб кетиш имкониятлари камайди. Бундан ташқари, завод мутахассислари маҳаллий рўзномалар орқали ўзбек ва рус тилларида қишлоқлар аҳолисига мурожаат қилиб, уларни умумий кулфатга қарши биргаликда курашишга даъват этдилар.

Ўрни келганда яна бир гапни эслатиб ўтиш лозим: ҳовлиларидан радиоактив нарсалар топилган аҳолининг барчаси тиббий текширишдан ўтказилди, бу жараёнда радиоактив нарсалар туфайли соғлигига путур етган кишилар учрамади.

Энди Навоий тумани санитария-эпидемиология станцияси ходимлари ўртага қўйган ва мақолада ўз ифодасини топган таклифлар ҳақидаги мулоҳазаларимизни билдирмоқчимиз. Улардан бири Навоий кон-металлургия комбинатининг зарарли чиқиндиларини сақлашни тўхтатиш, иккинчиси Туркман ва Хончарвоқ қишлоқлари аҳолисини хавфсиз жойга кўчириш хусусидаги таклифдир. Дастлабки таклиф юзасидан шуни айтиш мумкинки, комбинат конверсия дастури доирасида уран чиқаришни анча қисқартириш ва корхонани халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқаришга қайта ихтисослаштириш бўйича режали иш олиб бормоқда. Шунга кўра, 1992 йили уран ишлаб чиқариш 1988 йилдагига нисбатан 58 фоизни, 1996—2005 йилларда эса атиги 20 фоизни ташкил этади. Уран чиқаришни камайтириш билан бирга гидрометаллургия заводи қуйи омборхонасини вақтинча тўхтатиб қўйиш ҳамда қишлоқ хўжалиги учун яроқли ҳолга келтириш юзасидан муттасил иш юритилади.

1992 ЙИЛДАЁҚ қуйи омборхонадаги радиоактив чиқиндиларни таркибида олтин бўлган маъданларни қайта ишлаш жараёнида олинадиган суст тоғ жинслари билан аралаштириш бўйича ишларни бошлаб юбориш кўзда тутилмоқда. 1-гидрометаллургия заводи қуйи омборхонасини экин экишга яроқли ҳолга келтиришга доир барча масалалар Москвадаги «ВНИПИпромтехнология» бош лойиҳалаш илмгоҳида ишлаб чиқилмоқда. Айни чоғда шу илмгоҳда Туркман қўрғонини кўчириш лойиҳаси ҳам тайёрланмоқда. Унинг икки тури кўриб чиқилаяпти. Биринчи лойиҳа қуйи омборхонанинг санитария-муҳофаза майдонини 800 метргача кенгайтиришни, иккинчиси комбинат маблағлари ҳисобига қўрғонни бошқа жойга кўчиришни назарда тутади.

Комбинат раҳбарияти Туркман қўрғони аҳолисининг уларни бошқа ерга кўчириш ҳақидаги истакларини (бу ҳақда жамоа мактуби бор) қўллаб-қувватлайди ва 1991 йил 21 июлда халқ депутатлари туман кенгаши ҳамда қишлоқ Шўроси раисларига хат билан мурожаат қилиб, янги қўрғон қурилиши учун ер ажратиш масаласини ҳал этишни тезлаштиришни илтимос қилди. Аммо улардан ҳозирга қадар жавоб олганимиз йўқ.

Биз мақола муаллифи Навоий тумани қишлоқларидаги боғ-роғларнинг қуриб қолиши сабаблари тўғрисидаги масалани бир ёқлама талқин қилган, деб ҳисоблаймиз. Тўғри, саноат корхоналари томонидан атроф-муҳитнинг бўлғаниши яқин жойлардаги қўрғонлар экинзорларига салбий таъсир кўрсатади. Лекин шахсий боғи қуриб қолган ҳар бир мутахассис, ҳар бир деҳқон бу ҳолнинг туб сабаби, энг аввало, айниқса, пахта майдонларини суғориш даврида ерости сувларининг кўтарилиши (Туркман қўрғонида ер сатҳидан 20—25 сантиметр пастда), тупроқнинг шўрланиши, ернинг захини қочирувчи иншоотлар тизимининг йўқлиги ёки ночорлиги билан боғлиқ эканлигини билади.

Комбинат Навоий туманидаги «Қизил Ўзбекистон» жамоа хўжалигида ерни мелиорациялаш иншоотларини барпо этишга ўз ҳиссасини қўшиши мумкин, лекин бунинг учун ҳаракат дастури, суғориладиган ерларни қайта тиклаш лойиҳаси йўқ. Халқ депутатлари вилоят Кенгаши раёсатининг 1991 йил 21 майдаги қарорига кўра, бу лойиҳани ишлаб чиқиш вазифаси «Узгипроводхоз»нинг «Бухороремвод» ташкилотига топширилган.



Соф ҳаво кушандаси — В. ТЎРАЕВ суратга олган

КОМБИНАТ регион саноат корхоналари орасида биринчи бўлиб «Навоий туманига ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишда оталиқ ёрдами кўрсатиш» яхлит дастурини қабул қилди. Кенг кўламли бу дастурда мактаблар, касалхоналар, мактабгача ёшдаги болалар муассасалари, автомобиль йўллари қуриш ва уларни таъмирлашда, аҳоли яшаш жойларига сув келадиган иншоотлар ётқизишда ҳамда газлаштиришда хўжаликларга баҳоли қудрат кўмаклашиш, қишлоқ меҳнаткашларига корхона санаторийси, дам олиш уйига жойлашишлари, болаларнинг соғломлаштириш оромгоҳларига боришлари учун йўлланмалар бериш назарда тутилган. Ана шу мақсадлар учун биргина шу йилнинг ўзида корхона фойдасидаги маблағдан салкам бир миллион сўм пул ажратилди.

**Н. КУЧЕРСКИЙ,**
**Навоий кон-металлургия комбинати директори, СССР халқ депутати**

# ЭКОЛОГИК ФАЛОКАТГА ЙЎЛ ЙЎҚ!

ЖУМҲУРИЯТИМИЗНИНГ саноат гигантлари жойлашган шаҳарларидаги экологик вазият матбуот ва радио-телевидение орқали мунтазам ёритилмоқда. Бу нарса фақат табиат ва атроф-муҳитни нечоғлик заҳарлаётганлигинигина эмас, тирик табиатга ёвузларча муносабатда бўлаётган айрим саноат корхоналари, маҳаллий советлар раҳбарларининг ҳақиқий башарасини кенг жамоатчиликка ошкор қилмоқда. Ўзбекистон табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳам журналистлар чиқишларини тўла қўллаб-қувватлаб, бало-қазодек ёпирилиб келаётган экологик фожиаларнинг олдини олиш учун тинимсиз курашмоқда.

Бироқ биз ҳозир узоқ йиллар мобайнида тўпланиб қолган, томирлари бир бирига туташиб кетган муаммолар қаршисида турибмиз. Вазиятни ўнглаб олиш учун жуда катта пул маблағлари ва вақт зарур.

Табиатни муҳофаза қилишга маблағ ажратиш ҳозиргача қолдиқ принципи асосида шаклланган эди. Шу боис табиатни ҳимоя қилиш халқ хўжалиги тараққиётидан ортда қолиб келди. Жумҳуриятимиз бўйича сўнгги пайтда экологик муҳитни яхшилаш учун талай ишлар қилинаётган бўлса-да, саноат корхоналари ва автотранспорт идораларининг айби билан бу борадаги салбий жараёнлар тобора кучайиб бормоқда. Биринчи галда Чирчиқ, Олмалиқ, Оҳангарон, Фарғона ва Навоий саноат зоналари атроф-муҳит учун жиддий хавф солмоқда.

Маълумки, 60-йилларда Кармана шаҳридан унча узоқ бўлмаган Қизилқум саҳросида Навоий шаҳри қад ростлади. Афсуски, мазкур шаҳарда қурилган кон-металлургия комбинати, «Навоиазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Навоий ГРЭСи, электрохимия ва цемент заводларидан биринчи навбатда Иттифоқ органларининг тор иқтисодий ва идоравий манфаатлари кўзланди. Ушбу корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватлари йил сайин оширилди, ўз-ўзидан улардан чиқаётган заҳарли чанг, тутун ва чиқиндилар миқдори ҳам кўз кўриб, қулоқ эшитмаган даражада ошди. Бу ҳақда А. Жўраевнинг куюниб ёзган барча танқидий мулоҳазаларига қўшилмай иложимиз йўқ. Ҳақиқатан ҳам, муаллиф қаламга олганидек, шаҳарда ва унга туташ ҳудудларда саноат корхоналари чиқиндиларидан иборат «тоғ»лар пайдо бўлди, кимёвий заҳарлар тўпланган ҳовузлар ва азот, аммиак, цемент чанги ва бошқа заҳарли газлардан иборат сунъий булутлар воҳадаги ҳаётга даҳшатли тарзда хавф сола бошлади.

ВОҲАНИНГ АСОСИЙ қон томири бўлган — Зарафшон дарёси суви Самарқанд вилояти ҳудудидаёқ буткул ифлосланмоқда. Дарёнинг нормал санитар ҳолатини таъминлаш учун 30—35 метр куб сув оқиши лозим бўлган бир пайтда, Навоий шаҳри атрофида у бор-йўғи 20 метр кубни ташкил қилмоқда. Навоий саноат зонасида ва дарё ўзани қирғоқларида қурилган кўплаб хўжалик ва чорвачилик комплексларидан чиқаётган чиқиндилар, оқава сувлар Зарафшонни ҳалокат чоҳига итармоқда. Бунинг оқибатида кўҳна Бухоро шаҳрини тоза ичимлик сув манбаи бўлган Харҳўр ва Шоҳруд каналлари ер-ости сувлари таркиби бутунлай ўзгариб, истеъмол учун яроқсиз ҳолга келиб қолди.

Зарафшон воҳасида вужудга келган мураккаб экологик вазиятни яхшилаш учун 1986—90 йилларда ҳукумат миқёсида бир қанча қарорлар қабул қилинди. Афсуски, мазкур қарорларнинг аксарияти қоғозларда қолиб кетди. Масалан, 1991 йилгача оқава сувларни дарёга келиб қўшилишининг олдини олиш ҳақида лойиҳа тайёрлашни жумҳурият Сув хўжалиги вазирлиги барбод қилди. Натижада дарё сувининг кимёвий ва бактериал ифлосланиши тоқат қилиб бўлмас даражага етди. Навоий шаҳри, Қизилтепа ва Навбаҳор райони аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш иложсиз муаммога айланиб қолди.

Сув хўжалиги вазирлиги Навоий ГРЭСини сувни қайта ишлаш маромига ўтказишни таклиф қилмоқда ва бу нарса сувни иқтисод қилишга ёрдам беради деб, ўз фикрини исботлашга уринмоқда. Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси йирик корхоналарда сувни қайта ишлаб фойдаланишга қарши эмас. Бироқ Навоий ГРЭСида сувдан асосан трубиналарни совутиш учун фойдаланилмоқда, бу эса уни бактериал ва кимёвий ифлосланишга (чунки трубиналар кислоталар билан тозаланади) олиб келмоқда. Демак, қайта ишлаш ГРЭСдан дарё ўзанига тушаётган сувни икки марта ифлосланишга олиб келади.

**Акс садо**

Ҳозирги вақтда Бухоро вилояти томон оқаётган сув 2—3 марта кўпроқ ифлосланган. ГРЭСдан кейин сувнинг таркибида нормадагига нисбатан сульфатлар 6 марта, магний 2 марта, нефть маҳсулотлари 5,3 марта, темир 4 марта, хром 5 марта, мис 26 марта, фенол 4 марта кўп. Сувнинг минераллашуви умуман 2 маротаба юқори, шу боис Навоий шаҳридан кейин Зарафшон сувини истеъмол қилиш мутлақо мумкин эмас.

Шаҳар ва шаҳарга туташ ҳудудларнинг ҳаво муҳити ҳам кучли ифлосланган. 1987—90 йилларда атмосферага чиқарилаётган заҳарли чиқиндилар 130 минг тоннадан 92 минг тоннагача камайган бўлса-да, ҳали аҳвол жуда оғир. Ҳозирги пайтда шаҳар ҳавоси нормадагига нисбатан оксидли азот чанглари билан 2 марта кўп заҳарланган. Шаҳар атрофида жойлашган Кармана шаҳри, Тинчлик посёлкаси, Туркман ва Дўрмон қишлоқлари ҳавоси юқоридаги кўрсаткичдан ҳам кўпроқ заҳарланган. Атроф-муҳитни булғаётган асосий манбалар — «Навоиазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси, кон-металлургия комбинати, электрохимия ва цемент заводлари ҳисобланади. Ушбу корхоналарнинг қаттиқ ва ярим суюқ ҳолдаги чиқиндилари тўпланган ҳовузлари ер усти ва ерости сувларини, ҳаво ва ер таркибини бузаётган асосий манбадир. Чиқинди тўпланган бунақанги ўзига хос «омбор»лар жумҳуриятимизнинг бошқа ҳеч бир жойида йўқ. Навоий шаҳри худди шу жиҳати билан бошқа шаҳарлардан ажралиб турадиl!

Чиқиндилар тўплами юз миллион тоннани ташкил қилади. Улар жуда катта майдондаги қишлоқ хўжалик учун яроқли ерларни буткул ишдан чиқарди.

Масалан, электрохимия заводи чиқинди тўпланадиган «омбори»да 7 миллион тонна (майдони 125 гектар), кон-металлургия комбинатида 1,4 миллион тонна (майдони 170 гектар, ушбу корхона чиқиндилари эгаллаган майдоннинг умумий ҳажми 6170 гектар) II даражали хавфли қаттиқ ва ярим суюқ ҳолдаги моддалар сақланмоқда. «Навоиазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси чиқиндиларининг умумий ҳажмини аниқлаш қийин. Фақат ушбу сунъий «тоғ» 42 гектар майдонни эгаллаганини таъкидлаб ўтмоқчимиз.

ЮҚОРИДАГИ ФАКТЛАРДАН кўриниб турибдики, Навоий шаҳри ва шаҳар атрофида ўта хавфли экологик вазият вужудга келган. Бу одамларда қаттиқ ташвиш уйғотмоқда ва уларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда. Мақола муаллифи ёзганидек: «Иккинчи Чернобиль фожиаси рўй бермайди, деб ким кафолат беради?»

Айни вақтда кўрилаётган чоралар атроф-муҳитни соғломлаштириш учун етарли эмас. Бажариш муддатлари аниқ кўрсатилган йирик экологик дастур ишлаб чиқиб, тезда ишга кириш зарур. Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Бухоро вилоят Совети ва Навоий шаҳар Совети ҳамкорлигида ана шундай дастурни ишлаб чиқди ва у шу йилнинг май ойида Бухоро вилояти Совети раёсатида муҳокама қилинди. Қўмита томонидан «Навоий шаҳри ва унга туташ районларда ижтимоий-иқтисодий ва экологик вазиятни яхшилаш бўйича зарур чораларни кўриш» ҳақидаги тадбирлар хусусида таклифлар тайёрланиб, Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси муҳокамасига киритилди.

Хулоса қилиб шуни айтиш лозимки, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси экологик фалокатлар ўчоқларини тезроқ тугатиш учун ва табиат-борлиққа зуғум қилаётган, уни топтаб, аёвсиз зарар етказаётган масъул раҳбарлар ва корхоналар билан қонун асосида аёвсиз кураш олиб бормоқда. Ўз навбатида биз бу борада журналистларнинг ҳалол ва дадил чиқишларига умид қиламиз.

**В. КОНЮХОВ,**
**Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси раисининг ўринбосари**

# НАВОИЙ ҲАМ ТАҲРИР ҚИЛГАНМИ?




Алишер Навоий ижодида ғазал ҳам етакчи жанр. Унинг «Хазойин ул-маоний» девонларида ўзбекча 2600 ва «Девони Фоний»да форсча ёзилган 554 ғазали тўпланган. Зуллисонайн шоир 60 йиллик умри давомида икки тилда 3154 ғазал яратган. У ўн олти жанрда ижод этган ўзбек адабиёти классигидир. Шоир ҳаётлигида ўзбекча ғазаллари тўрт марта ва форсча назмиёти бир марта девон қилинган. Йигирма беш ёшгача ёзган ўзбекча 400 тача ғазал, бир қанча таржебанд ва рубоийларини Навоийнинг ихлосмандлари 1466 йили девон ҳолида тўплаганлар. Бу девон навоийшуносликда «Илк девон» номи билан маълум. Шоир Ҳусайн Бойқаро, яна бошқа дўсту яқинларнинг таклифи билан 1470-йиллари 800 тача ғазал ва назмиётнинг ўн жанридаги асарларини ўзи «Бадойиъ ул-бидоя» («Бошланғич ижодлар») номи билан девон тартиб берган...

Шарқ адабиётида ғазаллар беш байтдан ўн уч байтгача бўлгани аён. Алишер Навоийнинг «Чор девон»даги ғазалларининг кўпчилигини эса етти байтли (1759 ғазал), сўнгра тўққиз байтли (695) ғазаллар ташкил қилади. Шулар орасида бешта ўн уч байтли ғазал бор, холос.

Табиатан жуда талантли, 6—7 ёшларида Қуръон сураларини тўла ёд билгани билан машҳур тарихчи Али Яздийни лол қолдирган Алишер Навоийнинг деярли барча асарлари катта маҳорат билан ёзилганлиги табиий. Хўш, шоир ўз асарларини таҳрир қилганми? Биз бу муаммони ойдинлаштириш учун учала девонда ҳам учровчи ўн уч байтли ғазаллардан бирининг («анго» радифли) матнини ўзаро қиёслаймиз.

«Ғаройиб ус-сиғар»дан:

**Ҳар гадоким бўрёйин фақир эрур кисват анго,**
**Салтанат зарбафтидин ҳожат эмас хилъат анго.**

**Ким фано туфроғига ётиб қўяр тош узра бош,**
**Тахт уза эрмас, музаҳҳаб муттако ҳожат анго.**

**Шаҳ юруб олам очар, дарвиш оламдин қочар,**
**Ҳам ўзинг инсоф бергилким, бу не нисбат анго.**

**Ҳар не шаҳ мақсудидур, дарвишнинг мардудидур,**
**Кўр не ҳимматдур мунга, не навъ эрур ҳолат анго.**

**Фақир кўйи туфроғин шаҳ мулкига бермас фақир,**
**Мулк кўрким, тенг эмас туфроғ ила қиймат анго.**

**Шаҳ сипаҳ чекса фақир аҳволига етмас футур,**
**Бу вале чеккоч нафас, барбод ўлур ҳашмат анго.**

**Шаҳ эмастур бир нафас осуда дўзах ваҳмидин,**
**Эй хушо дарвишким, мардуд эрур жаннат анго.**

**Шаҳға сидқ аҳли дамидин машъали давлат ёрур,**
**Меҳрдекким субҳ анфоси очар талъат анго.**

**Шоҳға шаҳлиғ мусалламдур, агар бўлғай мудом,**
**Шоҳлиғ таркин қилиб, дарвиш ўлур ният анго.**

**Мумкин эрмас шаҳлар ичра бўйла ниятлиғ магар**
**Шоҳи Ғозийким, муяссар бўлди бу давлат анго.**

**Шоҳлар дарвишию дарвишлар шоҳики бор,**
**Шоҳлиғ сурат анго, дарвишлик сийрат анго.**

**Тош шаҳу дарвиш бўлғай айлагил, ёраб, аён,**
**Шоҳдин хизмат мунга, дарвишдин ҳиммат анго.**

**Гар Навоий сўз узатти фақирдин эрмас деманг,**
**Бўлмағунча ҳукм шаҳдин қайда бу журъат анго.**

Бу ғазалнинг «Бадойиъ ул-бидоя»даги қўлёзмаси ҳам, асосан, «Ғаройиб ус-сиғар»дагидек. Фақат тўртинчи байтнинг иккинчи мисраси:

Кўр, **недур ҳиммат** мунга,
не навъ эрур ҳолат анго

ва ўн иккинчи байтнинг иккинчи мисрасида:

Шоҳдин хизмат анга,
дарвишдин ҳиммат анго

каби шоир таҳририга учраган икки мисра бор. Алишер Навоий нигоҳига тушган мана шу икки мисрадаги таҳрир қилинган ўринлар ғазалнинг мазмунига жиддий ўзгаришлар киритмасдан, фақат мисраларнинг мусиқийлигини оширган. Бироқ, шоир сўзларнинг ўринсиз такроридан қочиб «анга» сўзини «мунга» билан алмаштирган. Лекин мазкур ғазалнинг «Илк девон» нусхасида сўз қўллашда жиддий фарқлар бор. Иккинчи байтда:

Ким фано туфроғиға
**тобса** қўяр **бош** узра бош.

Яна учинчи байтнинг биринчи мисрасида:

Шаҳ юруб олам очар,
**дарвишдин олам** қочар.

Алишер Навоий тўртинчи байтда поэтик санъат — товушларнинг оҳангдошлигига амал қилиб, «д» товуши уйғунлиги, шу товуш қатнашган морфологик унсур «-дур» етакчи ўрин тутганидан унинг фонетик варианти «-тур» билан алмаштирилган. Олтинчи байтдаги «бу не»ни шоир «бу вале», еттинчи байтдаги «шоҳ»ни «шаҳ», саккизинчи байтдаги «эрур»ни «ёрур», «тўққизинчи байтдаги «шаҳлиқ»ни «шаҳлиғ» ва «шоҳлиқ»ни «шоҳлиғ» шаклида таҳрир қилган. Саккизинчи байтдаги «хилъат»ни эса «талъат» сўзи билан алмаштирган. Шу тарзда шоир байтлар маъносини кучайтиришга эришган. Тўққизинчи байтнинг иккинчи мисрасидаги «...ўтур зийнат...»ни Алишер Навоий «...ўлур ният...», ўн иккинчи байтдаги «инон»ни «аён», «хидмат»ни «хизмат» ва, ниҳоят, ўн учинчи байтдаги «эмонг»ни «демонг» шаклида тузатган.

Алишер Навоийнинг ўзи тузган «Бадойиъ ул-бидоя» ва «Наводир ун-ниҳоя» девонларидаги ғазалларини тўрт девонли «Хазойин ул-маоний» таркибига киритганида ҳар бир ғазалда жуда кам сўз ўзгартишлари қилгани юқоридаги ҳамда бошқа кўплаб ғазалларни кузатганда маълум бўлди.

**Баҳром БАФОЕВ,**
**филология фанлари доктори**

*МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИДАГИ ЎЙЛАР*

# ҚАЙДАСАН, ҚЎШИҒИМ?

Ё, ХУДО! Нетай?! Не деб талпинай, не деб сиғинайки, бир қўшиқ бергин! У чашма жимиридан, ирмоқ инграшидан, сой сасидан, дарё дувуридан, уммон увлашидан садаф терган янглиғ садо жамласин. У офтоб тиғидан нурни, булоқ тубидан дурни, эл тўпидан ҳурни оҳангларига эвирган бўлсин! У «Авесто»дан шиддатни, «Алла»дан қудратни, «Чўли ироқ»дан Қайсу фурсатни, «Муножот»дан дарду қимматни, мозийдан боқийликни, фонийдан зоқийликни, келажакдан илинжни, истиқлолдан соғинчни индириб олсин найларига.

Қўлларимни дарахт айлаб кўкка чўзайми?! Кўзларимни нурга бериб ундай ўзайми? Етим мисол зор-зор йиғлаб, ўкраб, бўзлайми? Дил тубидан зардоб олиб, фиғон ила ёниб сўзлайми? Айт, нетай, тиз чўкайми? Замин ўпайми? Нетайки, бир қўшиқ бер менга! У ўлмасдан ўлганга жон бағишласин, кулмасдан кулганга имон ийласин, юртини сотмаган ўғлонни сийласин, дўстини топтаган илонни қийласин. У забонсизга тил бўлсин, қалби сўқирга дил бўлсин, беватанга эл бўлсин, харсанг гавдаларга сел бўлсин, ёнар муҳаббатга ел бўлсин! У мадорсизга қувват, орсизга қақшат, зорсизга ваҳшат, дорсизга даҳшат борлиғини эслатгувчи бонг бўлсин! Онг бўлсин тафаккури занжирланган зотга, тонг бўлсин зулматдан отилиб чиққан саманим — отга!

Ё, МУҲАММАД! Расуллоллоҳ алайҳис салом, Бобогинам дейинми?

Бош уриб Каъбаи мукаррамга борайми? Мадинадан мадад олайми? Истанбулда қолган дастхатингга разм солайми? Фарёдлар чекайми, ё додлаб чўкайми ғам ботқоғига! Балки қонталаш уфққа қараб чоп дерсан, елкангдаги сўнгги чопонни унга ёп дерсан, умид бўстонини ўзинг топ дерсан, бобогинам, бобокалоним! Бир қўшиқ бер! Уни ёлғиз айтмасин биров, уни ёдлай олмасин қаҳрли ёв! Ё кўкдан, ё кўпдан, ё дилдан, ё элдан, билмадим, бу ёғи ўзингга аён, менга бир қўшиқ бер уни айта бошласам, ҳамма қўшилсин. Қўшилсин, ер, осмон! Қўшилиб айтсин улус, эшилиб айтсин улус, гоҳ ёниб, гоҳ қониб, ўз-ўзига инониб, ишониб айтсин улус!

Сен ҳабашга бердинг шундай қўшиқни. Билол бошлаб берди айтишни: «Аллоҳу акбар» деганида силкиниб кетди юрт, силкиниб кетди вужуд! Сен озорга бердинг шундай қўшиқни, сен қозоққа бердинг шундай қўшиқни. Сен... Улар кўплашиб, тўплашиб айтишганда ҳасадмас ҳавасдан ловуллаб ёнаман. Бир қўшиқ излаб гирёнаман...

Ё, АЛИ! Карболодан Мозори шарифгача самонида сакраган паҳлавоним, курашларда тиз чўкмаган довоним, қадди букилмаган жаҳоним, етти юртда етти қабри қолган жоним, деб нолалар қилайми? Не деб сенга сиғинай ақли идроким, фикри донишим, илму урфоним, қалби тўфоним, айт не десам менга бир қўшиқ берасан?! У зулфиқор бўлиб ғанимнинг кўксидан қора доғни юлиб ташласин, у дулдул от бўлиб саркардани ҳаракатга бошласин, у руҳ бўлиб улуғларни умид билан ошласин, у туғ бўлиб қуруқларни оташларга ташласин, у куч бўлиб онаизор қаддини тикласин, у ўч бўлиб гўдакларга келган ажал оёғини тиғласин, у бева қолган келинчакнинг дардин олиб йиғласин... Бир қўшиқ бер!

Ё, ХУДО! Не деб сиғинай?! Балки нажот нигоҳларини оёқларинг остидаги заминга қада, заминга қара дерсиз?! Оҳ, она замин, табаррук тупроқ, сенинг ҳам борлиғинг, дийданг, сийнанг қўшиққа зор. Ахир, не-не улуғлар қўшиқлари билан бирга сенга қўшилдилар. Бугун уларнинг қайсисидан қарз олай, балки фарз олай қўшиқни! Форобий фалсафаси, Беруний қомуси, Сино синоатини куйга солайми? Хоразмий рақамларин, Муҳаммад Тарағайнинг кўкдаги ҳакамларин сўзга солайми?

Балки соҳибқироним Темур Кураганийдан мадад сўрайми? Етмиш йил номи, жоми кўмилган, етмиш йил ҳақоратлар қарғаси тобути узра фарёд солган бобогинам, сендан мадад сўрашга тилим лол. Ахир, Сиз «Нечун менинг қўшиқларимни куйламаяпсан?» дея савол билан кул қиласиз, бизни бир пул қиласиз, аламларга қул қиласиз. Тўрт яшар болакайдек, эндигина Боғидилкушо дея мушкулим кушод бўлмоқда, Боғиферуза дея феълимизга феруз осмон кирмоқда, Боғи жаҳонаро дея жаҳонимизга оро бераяпмиз, Боғишамол дея кўксимизга эпкин урмоқда...

Не қилайки, қўшиқсизликдан Улуғбек мадрасаси — азал илмгоҳининг муқарнасларидан кошинлар ғойиб бўлмоқда, миноралар «тиззаси» ерга ботмоқда... Тиллакори нақшлари, тиллолари, тангаларидан ажралган ёҳу... Шердор ўз шеридан қўрққан каби бош эгган нечун? Шу алпозда қай юз билан, қай кўз билан, қай сўз билан Сизга боқайин, Сизга ёқайин бобо! Сиз бағри кенг, феъли олам, мушоҳадаси мўл, тенгга тенг, бечорага енг улуғ Амирсиз! Бир қўшиқ тиланг менга, бобо!

Уни куйласак биз Зарафшондан зар ва шон оқаётгандек Чўпонотанинг қалби жунбушга келсин. Уни куйлаганимизда Хўжа Аҳрори Валининг нидолари, йигит ёшида йиқилган Ғиёсиддин Жаҳонгир валиаҳдингизнинг ўтли овози, Шоҳрух мирзонинг қарийб ярим аср шоҳлик қилиб шоҳдек яшамагани боис айтган ўша дил рози, чеварангиз Абулғози Султон Ҳусайн Бойқаронинг сатрларда қолган сози эшитилиб турсин, бобо!

Ё, ХУДО! Айт, кимдан сўрай қўшиқни! Мир Алишернинг нурли бўстонига бош суқайми, Лутфий, Огаҳийнинг оламидан олам уқайми? Фурқатда фурқат, муқимликда Муқимий бўлган сулолали шажараси Машрабдан йироқ, зуволаи дил сараси Машрабдек фироқ бўлган зотларга талпинайми?

Эй, улуғлар, эй, умри шеърлар, умри дарозлар, бир қўшиқ беринг менга! Уни тили калимага келган гўдак куйласин, уни ишқи салимага келган ошиқ куйласин, уни бахтсизликдан нолимаган ризқи фароқлар куйласинлар, уни тахтсизликдан нолимаган қалби тароқлар куйласинлар, уни аҳдсизликдан нолимаган сийми яроқлар куйласинлар, уни адолатга зорлар, ҳақиқатга ташналар, ёруғ кунга илҳақлар, қуёшга интиққанлар куйласинлар, уни оталар, онаизорлар, момолар, боболар, қадди доллар, лаби оллар, бахти шоллар, хуллас, мен нафас олган пайтда худога банда, Муҳаммадга уммат бўлиб юрган ҳамма-ҳамма куйласин. Бир қўшиқ бер, ё, Худо!

Шундай қўшиқ бўлсин дея Чўлпон кўкдан узиб олди ўз номини, қора қонга тўлдирди юрак-жомини, умри тўкилди сатрларига, қадди букилди сатрларида, лек биз айтолмадик ўша қўшиқни ҳатто улуғларнинг қатларида! Тилимиз айланмадими, дилимиз шайланмадими? Билмам не ҳол, биз лол?!

«Ўзбегим» деб пайдо бўлди бир куни қўшиқ! Куйлаш, яйраш, сайраш эмас, бизни тортиб кетди Эркин Воҳидов ҳақидаги гаплар, миш-мишлар... Тағин қўшиқсиз қолдик. «Ўзбекистон» дея ловуллади Абдулла! «Ўзбекистон» дея ёнолмадик биз!

Вақт қилич, кесиб кетаётир бошларни, кесиб кетаётир ёшларни, кесиб кетаётир тошларни... Биз эса қўшиқсиз...

Мустақиллик деб калима айтганларнинг, бўйсунишдан, зулмдан қайтганларнинг қанчасини беватан қилдинг, ё худо, кўксини тилдинг ва билдинг: бу юракда чўғ бор! Қанча-қанча ўғлонлар мустақиллик дея бошларини кундага қўйдилар, куйдилар!

Бугун сунбула саҳарида бошимиздан нур ёғилди, дур ёғилди. Ким сездию, ким сезмади? Ким унинг майдонида кездию, ким кезмади? Ахир, юз қирқ йил давомида қўлимизга кишан солинди, йўлимизга кишан солинди, фикримиз занжирланди, ақлимиз қулфланди, тафаккуримиз илдизига заҳар солинди, журъат кўкрак қафасидан юлиб олинди. Қўрқув ва хавф уруғлари сочилди дилларимизга, элларимизга...

Ҳали узоқ мустақиллик серманзиллари...

Агар тузоқ мустақиллик — гап, мазмунлари...

Енгмоқ керак етмиш йилнинг кучли зарбини, енгмоқ керак вужуддаги қўрқув ҳарбини... Бунинг учун қўшиқ зарур, шиддатли қўшиқ! Озодлик қўшиғи!

ЎЗБЕКИСТОН! МУСТАҚИЛГИНАМ! Нега етим бола каби бош эгиб, ўз мустақиллигингни англолмай турибсан, нега? Ахир, ўзинг онасан, ўзинг отасан! Қўй ўша «етимбоқар» қаллоб онани, кеч ўша «етимсевар» улуғ отадан! Кеч унинг қўшиқларидан... Ўзинг куйлай бошла, Ўзбекистоним!

Ё, худо! Ё, Муҳаммад! Ё, Али! Бир қўшиқ беринг бағри зардоб, куйлаш тўлғоғида ётган Ўзбекистонга! Бир қўшиқ беринг қалби хун, саодат таъмини тотган халққа! Бир қўшиқ беринг... Ҳаққа, илҳаққа! Мустақиллик майдони уйғониб кетсин уни тинглаганида, дунё қалқиб кетсин бу қўшиқни Ўзбекистон куйлаганида...

**Жаҳонгир МУҲАММАД,**
**Ўзбекистон халқ депутати**

**Бахтиёр САЙИИД**

●

**Чирсиллаб ёнади қаҳрим қонимда,**
**Букилди юрагим,**
**Чўкаверди тиз.**
**Наҳот, наҳот йўқсан менинг ёнимда,**
**Ойнинг оғушидан олис кетдик биз...**
**Сени қанча кутдим соғиниб,**
**Қушлар қанотидай умидим юлуқ.**
**Йўлларингга чиқдим кўзларим тиниб**
**Сендан эса ҳамон дарак йўқ...**
**Англадим:**
**бу сабрим тошни йиғлатар,**
**Бир юрак эзилиб тутади мотам.**
**Ойдин чеҳраларинг тонгдай муаттар,**
**Сочларинг остида қораяди шом.**
**Қонимда ёнади қаҳрим чирсиллаб,**
**Ёнингга қайтмоқлик — энг ёмон ўлим.**
**Севгим,**
**Отеллонинг рашкини қўмсаб**
**Бўғиб ўлдирмоққа етмайди қўлим...**

## ОҚ САРОЙ

**Сен нега маъюссан, қаддинг букилган,**
**Булутлар елканга чўкдимикин ё?**
**Устингдан юлдузлар оғир тўкилган,**
**Балки қаритгандир бу кўҳна дунё?**
**Саволларим тинглаб тил тишлайди ой,**
**Биламан, дардларнинг ранглари сариқ.**
**Жавобсиз турибди, маъюс Оқ сарой**
**Авлодлар кўзига суқилган тарих.**

## ЁНАЁТГАН АЁЛ

**Қий-чувлаб ҳавога урилди бир зарб —**
**Тўхтамайди**
**одам шаклида гулхан.**
**Ҳамма шоша бошлар ҳар ёққа қараб**
**Билишмас:**
**ким у —**
**чирсиллаб ёнаётган?**
**Улгуролмас ҳеч ким**
**тополмай кигиз**
**Лапанглаб чопади эркак бечора.**
**Ўкириб йиғлайди ёшгина бир қиз:**
**— Она, дардингизга йўқмиди чора!?**
**О, ҳаёт!**
**Қовжираб куйсин қисматинг!**
**Нега шерикмассан аёл дардига?**
**Ахир, кўрсат менга,**
**борми журъатинг,**
**Наҳот ҳеч тўймайсан ғамнинг ҳидига?**
**Йиғласам бўлади оловни қучиб,**
**Қўшилиб ёнсам ҳам бўлар бемалол...**
**Қаранг, дўстлар,**
**дарди танига кўчиб**
**Ловиллаб ёнди-ю, кул бўлди аёл!**

**Исмоил ТЎЛАКОВ**

## БОЛАМ ЙЎҚОТМАСИН ИЗИМНИ...

**Фитратни,**
**Чўлпонни,**
**Усмон Носирни**
**сиртмоққа элтганлар,**
**бадном этганлар,**
**англаб етишдими**
**ногоҳ бир сирни,**

**Покланишнинг**
**қутлуғ остонасида,**
**покланмас гуноҳин**
**покламоқ учун,**
**«Устоз...» деб**
**хотира ёзишар бугун.**

**Агар Садоқатга**
**бўлса шу жавоб,**
**шоирлар кўтариб,**
**чалиб сибизға,**
**хоки туробини**
**этгали тавоб,**
**пиёда боришга тайёр**
**Сибирга...**

**Уларни чўчитган**
**арвоҳлар эмас,**
**Ва ё юракдаги**
**Ҳақнинг тўлғоғи.**
**Билиб орттирилган**
**гуноҳлар эмас,**
**...ногаҳон бошланган**
**юрак ўйноғи.**

**Усмон Носирлару**
**Фитрат,**
**Чўлпонлар**
**мардона қадам-ла**
**кириб келаркан,**
**муқаддас шеърият**
**майдонларига;**
**ўзни турфа рангга**
**солаверади,**
**либослар кийдириб**
**виждонларига,**
**қўрқоқ қалб,**
**хоин дўст,**
**чирик имонлар...**

## МЕН ЖИМ КЕТАЯПМАН

**Мен жим кетаяпман...**
**Оёғим сўзлашар сўқмоқлар билан.**
**Излар қолар маъюс сўроқлар билан...**
**Ложувард осмоним чиқар йўлимга**
**қўлида турфа хил чироқлар билан.**

**Мен жим кетаяпман...**
**Дарахтлар сўроққа тутмоқ бўлади,**
**Шамоллар кўксимни титмоқ бўлади.**
**Зулмат-чи комига ютмоқ бўлади.**
**Печакгул йўлимда сиртмоқ бўлади.**

**Мен жим кетаяпман...**
**Нур каби чийирилган садолар билан,**
**бир инжа, бир мунис имолар билан,**
**кўзларим илоҳий каломлар билан,**
**сўзлаша боради самолар билан...**

**Мен жим кетаяпман...**
**Кўзимнинг тилида куйлаша олсанг,**
**изимнинг дилида ўйлаша олсанг,**
**мен сенга ҳамкорман, ҳамдардман, дўстман,**
**ўзимнинг тилимда сўйлаша олсанг.**

**Мен жим кетаяпман. Тинчимни бузма.**
**Изим — гулларимни топтама, узма.**
**Мен-ку йўқотганман аждодим изин,**
**болам йўқотмасин изимни... Эзма.**
**Мен жим кетаяпман...**

**Аъзам УКТАМ**

## ҚЎРҚУВ

**Чап кўксимда турган қафасда**
**Булбул бор, деб қилардим гумон.**
**Уйғонаман совуқ нафасдан,**
**Сескантириб вишиллар илон.**
**Руҳни қисиб бормоқда танам,**
**Кўзни кундан тўсар киприклар.**
**Қай томонга босмайин қадам,**
**Дуч келади бузуқ кўприклар.**
**Асл дардим қолди ичимда,**
**Хато қилдим гапирган сайин.**
**Бўлолмадим кўнгли пок чиндан,**
**Ҳали ёлғон кўплиги тайин.**
**Бир кун келса,**
**(Чиндан-да келар).**
**Қандоқ жавоб берурман ул он:**
**Қаламларга тил битса агар,**
**Битса агар қоғозларга жон?**

## НАЗОРАТ

**Суриштирмай — недир асли тиниқлик,**
**Дилимга бир боқмай оқ либос кийдим.**
**Миийғда кулмакни билдим синиқлик,**
**Ўйимни яшириб, тилимни тийдим.**
**Наҳот шулар этса жазодан халос,**
**Бир умр шу тахлит кетарман наҳот —**
**Машаққат деганим — оч юрмак холос,**
**Дуойим-касбимга сўрганим кушод.**
**Қай ишим чиндандир, қай сўзим ёлғон,**
**Мен қайда, менинг чин йўлим**
**қайдадир?**
**Эътиқод йўлинда тўкким келур қон,**
**Жанггоҳ қай ердадир, ўлим**
**қайдадир?..**
**Ўйлар келаверар босиб пайдар-пай,**
**Ўзимдан ўтганин билурман ўзим.**
**Қарахтман то саҳар. Тун бўйи тинмай**
**Қалбимга уқтирар ақл ўз сўзин:**
**«Диллар йўлдан чиқар бир хаёл билан,**
**Эрлар йўлдан чиқар бир аёл билан.**
**Қўйгин, дам урмагин тақдиру ғайбдан,**
**Тиллар йўлдан чиқар бир савол билан!»**



●

**Чекиб оҳ, тинмайин уфлаб ғазаб қилсам-да**
**бўрон йўқ,**
**Сўзим тобора кескиндир, қилар коримда**
**сурон йўқ.**
**Зиёда бағри кенгликдан ичимга сиғмагай қил ҳам,**
**Бу тупроқда саноқсиз эл бору, шавкатли**
**Турон йўқ.**
**Инонсам сўзларига — бу жаҳонда қолмаган**
**кофир,**
**Ҳама элнинг қўлида бор, дилида воҳки,**
**Қуръон йўқ.**
**Нақ ўттиз йил қадам қўйдим ажал сори,**
**яқинлашдим,**
**Дилим равшанлигин кўрсам, деярман,**
**бундайин он йўқ.**
**Ғаним рафторли дўстлар бор, ғанимлар дўстга**
**ўхшайдир,**
**Надур ҳолинг, демоқликка ғаразсиз бир**
**мусулмон йўқ.**
**Улуғ Кунда улуғворлик билан ҳолингни**
**сўрмасми?**
**Сенингдек бу заиф халқдан меҳр кутгувчи**
**нодон йўқ.**

**Вафо ФАЙЗУЛЛО**

**Мен телба. Ўзимдан енгилган телба,**
**Дилимни ёндирар ишқнинг чўғлари.**
**Кимни излаганман, кимгаман эга,**
**Руҳимни руҳимнинг ўзи бўғади.**
**Кўчаларда дайди, ишқнинг гадоси,**
**Ёлвориб қараса, қонайди яра.**
**Лола нигоҳида кўрнинг нидоси,**
**Дилим сенга ташна, фақат қарама.**
**Бўлдим ожиз, ҳатто қолдим ишончсиз,**
**Овораман ғамни кўз-кўз қилолмай.**
**Биров худосиз дер, биров меҳрсиз,**
**Яшамоғим шартми, ўзни билолмай.**
**Мен телба. Менга ҳеч ўхшамас телба.**
**Аллалаб ухлатсам, ухламас хотир.**
**Қулман — орзулари қолган беэга,**
**Қўрқоқ қўнғироғим сизни уйғотар.**

## МИРКАРИМ ОСИМ

**Танимадим сизни йигирма бир йил,**
**Широққа ўн ёшда дуч келган ёдим.**
**Тўмарис-юрагимга қўр ташлаган гул,**
**Борингизга шукур, Миркарим Осим.**
**Дарё десам, қатра дилим тўлмади,**
**Ҳайратимга Турон макон бўлмади.**
**Куйимга Ибн Сино салом йўллади,**
**Борингизга шукур, Миркарим Осим.**
**Қуёш ол шафақни ҳар кун кияди,**
**Сўнгра нигоҳларга ташлайди одим.**
**Алишерга кимнинг кўзи тегади,**
**Борингизга шукур, Миркарим Осим.**
**Камтар дуторларнинг умри ортида,**
**Руҳи булоқ бўлган оғалар тилсим.**
**Карвон йўлларида баҳор ортади,**
**Борингизга шукур, Миркарим Осим.**
**Мана, кеч англадим, таланган карвон,**
**Юрак мозорида кўмилган осмон.**
**Ўлгунимча мени ўлдирар армон,**
**Куйингиз-ай, азим, Миркарим Осим,**
**Руҳингизга таъзим, Миркарим Осим.**

## ҚУЛ

**Оёғим ит, тилим тўти,**
**Кунлар йўлак, тунлар минбар.**
**Қон ортилган гардан хўтик,**
**Дили маймун мен пайғамбар.**
**Шижоатим майда тошча,**
**Тепкиланса ташлар қадам.**
**Сарғаймоқда яшил қувонч,**
**Одам бўлмай бўлдим одам.**
**Ортга қайтмас ожиз ғунча,**
**Рангларига таслим олам.**
**Хокисор шом тўшалгунча,**
**Чучмал лабим санайди таъм.**
**Қулоқларим оҳангга кар,**
**Ғийбатларга эса яғмо.**
**Тушларимнинг султони зар,**
**Йўлбошловчи — қорним — худо.**



Доимо халқ орасида эдилар. Суратда: таниқли ижодкорлар Абдулла Қаҳҳор, Ойбек, Уйғун ва Ғафур Ғулом. 60-йиллар. С. МАҲКАМОВ суратга олган

